

ТУРЛИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Комилов Комилжон Собирович

Жўраев Акмалжон Нормухамадович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти доценти

Эсонова Ойшахон Ғофуржон қизи

Талаба

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440177>

Аннотация. Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида тупроққа турлича ишлов бериб, уч хил уруғ экиш меъёрларида кузги буғдой экиб олинган натижаларни иқтисодий самарадорлиги ёзилган.

Калим сўзлар: тупроққа ишлов бериш, ирригация эрозиси, тупроқ зарралари, кузги буғдой, кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар, ўсимликнинг бўйи.

ВЛИЯНИЕ РАЗЛИЧНЫХ АГРОТЕХНИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

Аннотация. В данной статье написана экономическая эффективность результатов посева озимой пшеницы на типичных сероземах Ташкентской области с разной обработкой почвы и тремя разными нормами высева.

Ключевые слова: обработка почвы, ирригационная эрозия, почвенные частицы, озимая пшеница, толщина всходов, минеральные удобрения, высота растений.

INFLUENCE OF VARIOUS AGROTECHNICAL MEASURES ON THE ECONOMIC EFFICIENCY OF WINTER WHEAT

Abstract. This article describes the economic efficiency of the results of sowing winter wheat on typical gray soils of the Tashkent region with different tillage and three different seeding rates.

Keywords: tillage, irrigation erosion, soil particles, winter wheat, seedling thickness, mineral fertilizers, plant height.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида 2012 йилда кузги буғдойни уч хил кўчат қалинлигида, уч хил тупроққа ишлов бериш усуллари ҳамда уч хил ўғит меъёрлари қўллаб етиштирилганда, биринчи экиш усули, яъни кузги буғдойни ғўза қатор ораларига экилган вариантларда ўғит меъёрлари ҳамда кўчат қалинликларига мос равишда уч йил давомида ўртача олинган дон ҳосилига нисбатан тушган даромад ва сарфланган харажатлар орасидаги фарқ орқали шартли соф фойда ишлаб чиқилди.

Олинган натижаларга кўра, ғўза қатор орасига культивация қилиниб, гектарига 4 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган, маъданли ўғитлар меъёри $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га қўлланилган 1-вариантда шартли соф фойда 72323 сўмга тенг бўлиб, рентабеллик даражаси 8.0% ни ташкил қилган бўлса, маъданли ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га оширилган 2-3-вариантларда шартли соф фойда 145123–223843 сўмни, рентабеллик даражаси 14,6–20,7 % ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Кузги буғдойни ғўза қатор орасига культивация қилиб экилган, лекин уруғ экиш меъёрини гектарига 5 млн.дона қилиб белгиланган 4-5-6-вариантларда олинган шартли соф фойда маъданли ўғитлар меъёрларига мос равишда 253483–287803–328043 сўмни, рентабеллик даражаси эса 27,6–28,5–29,9% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Уруғ экиш меъёрларини гектарига 6 млн.дона қилиб белгиланган уч хил меъёрда маъданли ўғитлар қўлланган 7–8–9–вариантларда эса шартли соф фойда 334003–471923–497363 сўмни ташкил қилган бўлса, рентабеллик даражаси ушбу вариантларга мос равишда 35,7–46,0–44,6% ни ташкил қилди. Юқоридаги олинган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 1–вариантга нисбатан 2 ва 3–вариантларда ортиқча маъданли ўғитлар қўлланиши хисобига 5,5–11,2 ц/га юқори дон ҳосили олинди. Бу эса рентабеллик даражасини 6,6–12,7% га юқори бўлишини таъминлади. Кузги буғдой уруғининг экиш меъёрларини гектарига 6 млн.дона қилиб белгиланган 7–8–9–вариантларда гектарига 4 млн.дона меъёрда уруғ экилган 1–2–3–вариантларга нисбатан фақатгина экиш меъёрларини ортиши хисобига рентабеллик 27,7–31,4–23,9% га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу агрофонда, уруғ экиш меъёрини гектарига 5 млн.дона қилиб экилган 13–14–15–вариантларда маъданли ўғитларни хисобга олган холда шартли соф фойда 359600–423920–437520 сўм бўлган бўлса, рентабеллик даражаси эса 37,0–41,1–39,0% га ошганлиги тадқиқотлардан олинган маълумотлар натижасида аниқланди. Уруғ экиш меъёри гектарига 6 млн.дона га оширилган вариантларда эса шартли соф фойда 16–17–18–вариантларда уч хил маъданли ўғитлар ($N_{150}P_{105}K_{75}$, $N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га) меъёрларига мос равишда 137003–165403–161243 сўмни ташкил қилган бўлса, уруғ экиш меъёрларининг ортиб кетиши хисобига кузги буғдойнинг бўйи ўсиб кетиб, поялар нимжон бўлиб, ётиб қолганлиги учун маҳсулдор пояларнинг камайиши хисобига рентабеллик даражаси камайиб кетганлиги, яъни 14,3–15,8–14,2% бўлганлиги аниқланди (4.1–жадвалга қаранг).

Тажриба даласи экишдан олдин шудгорланиб, сўнгра кузги буғдой экилган вариантларда олинган натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, шартли соф фойда ҳамда рентабеллик даражаси ғўза қатор орасига экилган ва чизеллаб экилган кузги буғдой вариантларидан умуман бошқача бўлганлиги, яъни ҳаражатлар ортиб кетиши хисобига улар орасидаги фарқлар катта бўлганлиги аниқланди. Тажриба даласи шудгорланиб, гектарига 4 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган, маъданли ўғитлар меъёри $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га қўлланилаган 19–вариантдан олинган шартли соф фойда 141166 сўмни ташкил қилган бўлса, рентабеллик даражаси эса 12,6% ни ташкил қилганлиги аниқланди. Маъданли ўғитлар меъёрларини оширилиши ($N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га) хисобига, яъни 20–21–вариантларда шартли соф фойда 409326–440223 сўмни, рентабеллик даражаси эса 33,9–31,6% бўлганлиги қайд қилинди. Дала тупроғи 28–30 см чуқурликда шудгор қилиниб, уруғ экиш меъёри гектарига 5 млн.дона га ортиши хисобига 22–23–24–вариантларда маъданли ўғитлар меъёрларига мос равишда кузги буғдойдан олинган шартли соф фойда 133043–273243–389163 сўмни ташкил қилган бўлса, рентабеллик даражаси эса 11,3–22,0–29,1% бўлганлиги аниқланди.

Олиб борилган илмий–тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатяптики, тажриба даласи тупроғи чизелланиб ҳамда кузда шудгорлаб экилган вариантларда тупроқнинг агрофизик хоссалари яхши бўлганлиги учун уруғларни униб чиқиши, ниҳолларни ўсиб–ривожланиши яхши бўлганлиги кўчат қалинлиги ортиши ҳамда юқори меъёрларда маъданли ўғитлар қўлланиши хисобига кузги буғдойнинг бўйи ўсиб ғовлаб кетиши ва шу сабабли унинг поялари нимжон бўлиб, ётиб қолиши хисобига ўсимликнинг маҳсулдор

поялар сонини камайиб кетишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорликни ҳам камайишига сабаб бўлди.

Олинган натижаларга кўра, 1–11–27–вариантларда рентабеллик даражаси энг кам, яъни 8,0–8,8–6,5% ни ташкил қилган бўлса, энг юқори рентабеллик даражаси 8–вариантда, яъни ғўза қатор орасига культивация қилиниб, гектарига 6 млн.дона уруғ экилиб, маъданли ўғитларнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёри қўлланилган вариантда 46,0% бўлганлиги аниқланди.

REFERENCES

1. Жўраев А., Хошимов И., Маъданли ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири //«Экология хабарномаси» журнали. Тошкент, 2018. №5(205. Б. 16–17. (06.00.00.№2).
2. Эгамов Х., Рахимов А., Турсунов И., Жўраев А., Холмуроджонов Ж., Устойчивость сортов и линий хлопчатника к паутинному клещу //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. - Белгород:2020. 12-14 с.
3. Эгамов Х., Кимсанов И., Рахимов А., Жўраев А.Н, Холмуроджонов.Ж., Вопросы методики селекции и комбинационной способности сортов хлопчатника //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. -Белгород:2020. 15-18 с.
4. Жураев А., Хошимов И. Влияние агротехнологии озимой пшеницы на зерновую плодородность //журнал: «Актуальные проблемы современной науки». Москва, 2018. №4. С. 166–168. (06.00.00.№5).
5. Турсунов Х., Жўраева Х., Жўраев А.Н. The effect of rice sowing on the seedling method for different periods planting pattern and the number of seedlings // Ж. Psychology and education ISSN:00333077 (2021) 58 (1): 5517-5525
6. Жўраев А.Н., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж. Основные агротехнических мероприятия при возделывание озимой пшеницы // Ж. Science and world international scientific journa. ISSN: 2308-4804. №6(82), 2020. 33-б.
7. Жураев А.Н., Оптимальные элементы агротехнологии при возделывании озимой пшеницы //Международный центр научного сотрудничества «Приоритетные направления развития науки и образования». Пенза. 2018. С. 69–72.
8. Жўраев А., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж., Пути повшения плодородия почв и урожай озимой пшеницы // Ж. The Way of Science international scientific journal. ISSN: 2311-2158. №6(76), 2020. 21-б.
9. Акмалжон Жураев, Дилнозахон Камбарова, Ортикали Исмоилов, Бурхонжон Очилов, Влияние эффективных агротехнологий росту озимой пшеницы // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №4, 2022. 122-ст.
10. Жўраев Акмалжон Нормухаматович, Камбарова Дилноза Қодировна, Исмоилов Ортиғали, Кузги буғдойнинг кўчат қалинлиги ва маъданли ўғитлар меъёрларини тупрокнинг ҳажм оғирлигига таъсири // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №3, 2022. 417 б.